№ 96 (10.673).

1994 йил 21 декабрь чоршанба

Сотувда эркин нархда.

# Тошкент ҳақиқати

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

## ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ



*Суратда: мажлис пайти.* *Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзА).*

***Илгари хабар қилинганидек, 16 декабрь куни Тошкентда Республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уни давлат томонидан рағбатлантириш масалалари муҳокама этилди.***

Маълумки, биз янги жамият қуриш, демократик ҳуқуқий давлат тузиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида ўзимизга хос ва мос йўл танлаганмиз, деди Президент. Унинг асосий пойдевори, барча ҳаракатларимизнинг дастуриламали бўлмиш беш тамойил ҳақида кўпчилик билади. Ана шу тамойиллардан бири -- устивор мақсадларимизни унутмасдан, йўлимиздан адашмасдан, халқимизнинг ҳаёт даражасини назарда тутиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъмин этган ҳолда **бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдир.**

Мамлакатимизда ана шу янги тизимга ўтиш жараёнининг биринчи босқичида кўп муҳим ишлар амалга оширилди. Уларни таъриф-тавсиф қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Чунки, бу ишларнинг барчасини бошимиздан кечирдик, натижасини ҳаётимизда кўриб, ҳис этиб турибмиз.

-Энг муҳими, давлат, жамият ҳаётининг асосий қонуни -- янги Конституциямиз қабул қилинди, мазкур жарённинг ҳуқуқий асослари яратилиб, тегишли қонун ва фармонлар чиқарилди ва ҳаётга тадбиқ этила бошлади. Давлат бошқаруви, вазирликлар, ташкилот ва корхоналар тизими ўзгартирилиб, улар янги тартиб -- ҳаёт талаблари асосида ишламоқда. Бозор инфрастурктурасини шакллантириш мақсадида банк, молия, солиқ тузилмалари янги шароитга мослаштирилди.

Миллий валютамиз -- сўмни муомалага чиқариб, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, харид қувватини кучайтириш чора-тадбирларини кўришга киришдик. Қуйи поғоналардаги ташкилот ва корхоналарга иқтисодий эркинлик бериб, уларни давлат тазйиқидан халос этиб, янги усулда ишлаш йўлига ўтдик. Иқтисодимиздаги заифликка барҳам бериш, халқ хўжалигининг кўп муҳим соҳаларида бошқа минтақа ва давлатларга қарамликдан қутулиш, яъни иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида катта қадамлар қўйдик. Хусусан, илгари республикага олиб келинадиган маҳсулот миқдори четга чиқариладиганига нисбатан ортиқ эди. Ҳозир бу нисбат ўзгарди. Бунинг нечоғлик аҳамиятга эга экани кўпчиликка аён.

Маънавий ҳаётимизда, миллий онгимизни, сиёсий савиямизни ошириш, миллий мафкура ва тафаккурни такомиллаштириш борасида қилинган ишлар, **энг муҳими, одамларнинг дунёқарашида рўй бераётган ўзгаришларни энг катта ютуғимиз деб ҳисоблаш лозим.**

Ислоҳот одамлар тақдирига, онгига қандай таъсир этяпти? У одамларга нима беряпти? Бу ўзгаришлар халқимизга маъқулми, йўқми? Мана шу -- фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиши керак. Зеро, ислоҳот халқ манфаати учун қилинади. Биз вақти-вақти билан ўзимизга ана шу саволларни бериб, ишимизни таҳлил этиб туришимиз даркор.

Келажагимиз учун, эл-юртимизнинг фаровонлиги учун, мустақил давлатимизнинг тараққиёти ва истиқболи учун мана шу йўналишлардаги ишларимизни охирига етказиш муҳим аҳамият касб этади, дея таъкидлади Ислом Каримов. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг навбатдаги босқичи, бу йўлдаги вазифалар хусусида гапирар эканмиз, қуйидаги муаммолар ва устивор йўналишларга алоҳида аҳамият бермоқ даркор.

**Биринчи ва асосий масала -- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги ишларни охирига етказишдан иборат.** Ислоҳотнинг асосий маъноси ва, керак бўлса, негизи бу -- мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир.

**Иккинчи муаммо ва устун йўналиш -- иқтисодимиз таркибини кескин ўзгартириш, яъни хомашё эмас, тайёр маҳсулот чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатбардошлилигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган холга етказиш.** Ана шу мақсадда юртимизга янги технология, замонавий жиҳозлар, ускуналар келтириш, ихчам, қилинган харажатни тез қоплайдиган корхоналар қуришдир. Бу хорижий сармояларга кенг йўл очиб беришни тақозо этади.

Ҳеч бир мамлакат хорижий сармояларсиз тараққиётга эришмаган. Ҳозир дунё бўйича 160 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси айланади. Шундан бир қисмини Ўзбекистонга жалб этиш имкони борми? Бор! Биз билан ҳамкорлик қилишни истаган чет эл фирмалари, компаниялари кўп. Фақат ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш керак. Инвестициялардан фойдаланиш лойиҳаларимизда мана шу инвестиция қаерга сарфланади, Мингбулоққа қанча, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қанча, у қандай самара беради -- бари олдиндан аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқилади. Фақат бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш лозим.

Бунинг йўли эса чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузишдир. Мен бу ҳақда илгари ҳам айтган эдим. Яна такрорлайман, хориж билан алоқа боғламаган корхонанинг, тадбиркорнинг келажаги йўқ. Лекин бизда шундай раҳбарлар борки, чет эллик бизнесменлар билан гаплашишни истамайди. Бундай кайфиятларга барҳам бериш вақти етди.

**Учинчи муҳим вазифа -- миллий пулимиз нуфузини янада мустаҳкамлаш, унинг Америка доллари, немис маркаси, япон иени каби дунёдаги обрўли валюталар билан эркин алмашувига эришмоқдир.** Зеро, миллий пул кучли бўлгандагина иқтисод бақувват бўлади. Биз банклараро валюта биржасида бир миллиард АҚШ доллари айланишига эришмоғимиз даркор. Токи, ҳар бир корхона, тадбиркор ва фуқаро истаган вақтда, истаган миқдордаги пулини эркин муомаладаги валютага ёки ишлаб топган валютасини миллий пулимизга алмаштира олиш имконига эга бўлсин.

Шуни яхши англаб олишимиз керакки, ислоҳотимизнинг тақдири, ҳаёт-мамоти, унинг самараси -- халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, фаровон ҳаётга эришиш -- ҳаммаси биринчи масалага тақалади. Яъни, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, иқтисодий фаолият учун эркин шароит туғдириб бериш муаммосини ҳал этмай туриб кутилган натижага эришиб бўлмайди, дея таъкидлади Президент.

Вазиятга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, муайян ишлар қилинганига қарамай, республикада тадбиркорлик кўнгилдагидек ривожланмаяпти. Бу йўлда қандай тўсиқлар, ечимини кутаётган муаммолар бор? Уларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш, ҳужжатлар қабул қилиш лозим? Бугун ана шу муаммоларни муҳокама этишимиз, тадбиркорликни янги поғонага кўтариш, кенг қулоч ёйдириш йўлларини белгилаб олишимиз зарур.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен кун тартибига қўйилган масала юзасидан маъруза қилди.

Маърузада таъкидлаб ўтилдики, шу йил 21 январда чиқарилган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонига асосан республикада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Бозор муносабатларини тартибга солувчи зарур ҳужжатлар қабул қилинди. 1994 йилнинг ўзида хусусийлаштиришдан 300 миллион сўмдан зиёд пул тушди. Бу 12 минг хусусий тадбиркорни, асосан, фермерларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини берди. Республикада тижорат банклари, компаниялари, жамғармалари, биржалари кенг фаолият кўрсатмоқда. Ташкил этилган 1300 қўшма корхона шу йилнинг 9 ойи мобайнида 830 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Лекин хусусий тадбиркорларнинг оёққа туриб олиши, ривожланиши қийин кечмоқда. Мулк хусусийлашгандан кейин уни ишга солиб юбориш жараёнида маълум тўсиқлар бор. Хусусан, бир кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун бир неча идорадан рухсат олиш керак. Бунинг учун тадбиркор ойлаб вақт йўқотади. Навбат кутишлар, мансабдор шахсларнинг тўраларча муносабати, айрим ҳолларда очиқчасига таъмагирлик қилиши тадбиркорларнинг ишдан кўнглини совутмоқда, ислоҳотга, келажакка ишончини сўндирмоқда. Бундан ташқари банкда ҳисоб рақами очиш, муҳр тайёрлаш, кредит олиш, пул ўтказиш масалаларида тадбиркорларга ўгай кўз билан қараш ҳоллари мавжуд. Уларнинг солиқ идораларига топширадиган ҳисоб ҳужжатларини соддалаштириш, хомашё билан таъминлашда давлат корхоналари билан бир хил шароит яратиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улгуржи савдо ярмаркаларини ташкил этиш долзарб вазифалардандир.

Йиғилишда сўзга чиққан тадбиркорлар, вазирлик, бирлашма, концерн, банк ва бошқа алоқадор ташкилотлар вакиллари мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Бизда янги шахсий мулк эгаларига кўз олайтириш, уларга ҳавас билан эмас, аксинча, хасад билан қарашдек эскидан қолган ёмон одат бор, деди Ислом Каримов мажлис ниҳоясида. Айниқса, раҳбарлик лавозимида ўтирган айрим шахслар бундан воз кечиши керак. Баъзи зўравон, турли текшириш, ков-ковларни уюштирадиган, шунинг орқасидан манфаат топадиган таъмагир ва пораҳўр кимсаларнинг танобини тортиб қўйиш, иқтисодиётимизнинг келажаги бўлган тадбиркорларни турли тазйиқлардан ҳоли этиш даркор. Ана шунда уларнинг сафига янги-янги одамлар қўшилади.

Хомашё сотиб, юртнинг табиий бойликларини совуриб, эл фаровонлигини ошираман дейиш -- хомхаёлдан ўзга нарса эмас. Вақтинча тўкинлик мамлакат келажаги учун қимматга тушиши мумкин. Чунки бундай шароитда одамларда боқимандалик кайфияти кучаяди, меҳнатни унутади. Бойлик, фаровонлик асоси -- меҳнат эканини унутмайлик.

Илгари четдан 4 миллион тонна нефт сотиб олар эдик. Ўзимизда ишлаб чиқариш ҳисобидан бу кўрсаткични йилдан-йилга камайтириб келяпмиз. У 1995 йилда 750 минг тоннага тушади. 2-3 йилда ғалла масаласида ҳам ўзимизни ўзимиз таъминлашга эришишимиз керак. Бу нафақат иқтисодий, балки катта сиёсий масаладир.

Оллоҳ таоло ҳам, сендан ҳаракат -- мендан баракат деган. Мен орзу қиламанки, ҳар бир одам, давлат нима берар экан деб ўтирмасдан, даромад топишга ҳаракат қилса -- қимирлаб турса. Зеро, одам ўзини боқа олсагина бой бўлади. **Ҳар бир одам бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар бир оила обод бўлса, мамлакат обод бўлади.**

Йиғилишда республикада тадбиркорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ўртага қўйилган масалалар қатъий ҳисобга олинди ва уларни ҳал этиш юзасидан зарур ҳужжатлар тайёрлаш кераклиги таъкидланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик, идора, концерн, уюшма ва корхоналарнинг раҳбарларига тадбиркорликни кенгайтириш борасида амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилди.

Мажлисда Республика Бош вазири А. Муталов қатнашди.

**Аҳмад ХЎЖА.**
**(ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Тожикистондаги махсус вакили Рамиро Пирис-Баллонни қабул қилди

Самимий суҳбат чоғида қўшни Тожикистон Республикасидаги аҳвол, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ҳамда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида халқаро ташкилотлар билан қилинаётган ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов қатнашди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ТЕРИ ХОМАШЁСИНИ РЕСПУБЛИКАДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ ТАЪҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика корхоналарини тери хомашёси билан таъминлаш мақсадида:

1. Экспорт қилиш (жумладан МДҲ мамлакатларига олиб чиқиб кетиш) таъқиқланган, 1994 йил 21 январдаги 745-сон Фармон билан тасдиқланган (6-илова) буюмлар ва маҳсулотлар рўйхатига «тери хомашёси (ностандартидан ташқари)» маҳсулот тури киритилсин.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзистиқболстат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар мазкур тартибга сўзсиз риоя этилишини таъминласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги 558-сон қарорининг 1-иловасидаги 10-банд иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 декабрь

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 декабрдаги 1023-сон Фармонига**

**И Л О В А**

**Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича белгиланган квоталар ҳажмида экснерт қилинадиган моллар**

**РЎЙХАТИ**

| F: | МАҲСУЛОТ НОМИ: | ТИФ ТН КОДИ | |
|---|---|---|---|
| «10. | Тери (ностандартидан ташқари) | 410420000, 410800000, | 410620000, 410900000» |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Шу йил 14-16 декабрь кунлари Республика Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон Реснубликаси ҳукумат делегацияси Вашингтонда бўлди.**

Ташриф давомида АҚШ Давлат департаментида, савдо вакиллиги, савдо, молия, қишлоқ хўжалиги департаментлари раҳбарлари билан, Эксим-банк ва Опикда музокаралар бўлди.

Музокаралар якунида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш юзасидан икки томонлама ҳукуматлараро битим имзоланди. Ҳужжатни Америка томонидан АҚШ савдо вакили, элчи М. Кантор имзолади.

Битим ўзаро инвестицияларни амалга ошириш учун энг мақбул шароитлар яратишни кафолатлайди, ҳужжатда капитал ва даромадларнинг эркин ва тўсиқсиз ўтказилиши, халқаро арбитраж ҳамда маблағ сармоясини ҳимоя қилиш соҳасидаги бошқа эътироф этилган стандартларга йўл очилиши кўзда тутилган.

Мазкур битим Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро фойдали савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорликда ташланган яна бир йирик қадамдир. Илгари имзоланган савдо ҳақидаги битим сингари, бу битим ҳам ҳукумат дастурлари бўйича ҳам, хусусий бизнес учун ҳам мақбул ва очиқ инвестицион режимни вужудга келтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

*• Фармон ва ижро*

## БИРИ ИШДАН ОЛИНДИ, ТЎРТ НАФАРИ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

ПИСКЕНТ. Туман ҳокимлигида тумандаги бир қатор жамоа хўжалик раҳбарлари ва маъмурий орган ходимлари иштирокида республика Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармонини бажариш борасида қандай ишлар олиб борилаётганлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Туман ҳокимининг биринчи муовини Ю. Одилов мазкур фармонни бажариш юзасидан ҳисобот берди. Бу шуни кўрсатдики, тумандаги айрим хўжаликларда фармонни бажариш юзасидан етарли иш қилинмаяпти. Биргина А. Дўстбеков номли жамоа хўжалигининг биринчи бўлимидаги Т. Шодмонов бошчилик қилаётган бригаданинг ўзида 160 гектар майдондаги экин бепарволик оқибатида пайҳон қилинган. Бундай рақамларни эса кўплаб келтириш мумкин. Мазкур жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси С. Абдуғаффоров ушбу фармонга масъулиятсизлик билан қарагани ва ишдаги бошқа камчиликлари учун вазифасидан озод қилинди.

Бошқа бир қатор жамоа хўжаликларида ҳам мазкур фармонни бажариш ишлари тўғри ташкил этилмаганлиги қайд этиб ўтилди ва тўртта хўжалик раҳбарига қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Мазкур фармон ижросини назорат қилиш юзасидан туман маъмурий орган ходимларининг масъулиятлари оширилди.

**А. РАИМОВ.**

*• Иқтисодий ислоҳот одимлари*

## МАҲСУЛОТ ТУРИ ЎН ИККИТАГА ЕТДИ

Янгиободдаги «Дукент» асбобсозлик заводи технология жиҳатдан нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, Ҳамдўстликда ҳам янги -- нафас йўлларини чангдан ҳимоя қилувчи мосламани кенг кўламда ишлаб чиқара бошлади. Бу билан тайёрланган маҳсулотларнинг тури ўн иккитага етди.

Эътиборга молик томони шундаки, корхона Ҳамдўстлик мамлакатларида ягона ҳисобланади, табиийки, унинг маҳсулотларига ҳам талаб катта. Янги ўзлаштирилган чангдан ҳимоя қилувчи мослама ўзининг юқори сифатлилиги ва фойдаланишда қулайлиги билан кончилар, саноат корхоналари ишчиларига сув билан ҳаводай зарур бўлса, ичимлик сувини турли кимёвий моддалардан тозалаб берувчи яна бир мослама бугунги экологик оғир бир шароитда барча хонадонга, айниқса Оролбуйи аҳолисига жуда асқотади. Бу ерда шунингдек, ёғочни қайта ишловчи ускуналар, турли хил электр асбоблари, телевизор антенналари ҳам тайёрланмоқда. Ишланмаларни, асосан, асбобсозларнинг ўзлари бажаришяпти.

-- Келгусида маҳсулот турларини янада кўпайтириш ниятимиз бор,-- дейди завод директори Евгений Олексив.-- Уларга хорижий харидорларнинг кўплиги эркин валюта ишлашимизга имкон яратади. Биз эса аввало республикамизни таъминлаш ниятидамиз. Чунки ўзимизда ҳам уларга эҳтиёж катта. Корхонамиз тўлиқ ишлай бошлагач, яна 400 киши доимий иш билан таъминланади.

Завод қурилиши бундан икки-уч йил илгари бошланган бўлиб, унда дастлаб ўн минг нафар киши ишлаши кўзда тутилган эди. Кейинчалик бу рақам уч мингга, сўнгра эса 500га туширилди. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида улкан қурилиш ўзини оқламаслиги маълум бўлиб қолди. Маблағ танқислиги сабаб сўнгги қурилишлар ҳам тўхтаб турибди. Боиси, жамоа аъзолари корхонани хусусийлаштириб олишга қарор қилганда, турли назорат ташкилотлари завод фаолиятини олти ой обдан текширди. Шубҳалар исботини топмади. Аммо тадбиркорликка ишончсизлик билан қараш оқибатида иш анча орқага сурилди, 36 фоиз ишчи-мутахассис заводдан кетиб қолди.

Ҳозирги кунда завод жамоаси мавжуд қарзлардан қутулиб ишлаб чиқаришдан фойда олмоқда. Ўйлаймизки, мутасадди ташкилотлар ноёб асбобсозлик заводи қурилишини ниҳоясига етказишга ва унинг тўлиқ қувват билан ишлашига яқиндан кўмак берадилар.

**Н. ДУШАЕВ.**

## 1994 йил 25 декабрь — Сайловлар куни

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ОЛМАЛИҚ. Шаҳар маданият саройида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишида қарийб барча меҳнат жамоаларининг вакиллари иштирок этдилар. Улар ҳузурида 154-Олмалиқ сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодлари қўйилган кон-металлургия комбинати бош директори В. Н. Сигедин ва шаҳар босмахонаси директори П. Ф. Шупиков сўзга чиқиб, сайловчиларга ўз дастурлари ҳақида сўзлаб бердилар, тушган саволларга жавоб қайтардилар.

Сўзга чиққан сайловчилар номзодларни қўллаб гапирдилар ва сайлов куни энг муносиб фарзандларга овоз беражакларини билдирдилар.

***

ПАРКЕНТ. 163-сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзоди кўрсатилган «Ватан тараққиёти» партияси котиби Мирботир Мирабдуллаев, асаларичилик жамоа хўжалиги раиси Холмат Холмонов ва туман ҳокими Туроп Холтоевнинг сайловчилар билан навбатдаги учрашуви Паркент қишлоғидаги 14-мактаб залида бўлиб ўтди. Бундан олдин улар Қорақалпоқ қишлоғида, 10-мактабда бўлган учрашувларда ҳам фаол иштирок этган эдилар.

Олдинги учрашувлар каби 14-мактабда бўлган учрашув ҳам қизиқарли ўтди. Сайловчилар номзодларнинг режалари билан яқиндан танишдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Сўзга чиққанлар бу йилги сайловларнинг ўзига хос томонларини таъкидлаб ўтдилар.

***

ОҲАНГАРОН. 156-Оҳангарон сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига халқ депутатлари вилоят кенгашидан номзод -- Оҳангарон туман ҳокими Улуғбек Иброҳимов ҳамда 10-Хонобод сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига номзод -- Оҳангарон шаҳри ҳокими Александр Расулов билан шаҳардаги 2-мактабда сайловолди учрашуви бўлди. Ишончли вакиллар номзодларнинг таржимаи ҳоли, жамоат турмушидаги фаол иштироки ҳақида гапириб бердилар. Ҳар иккала номзод йиғилганларга сайловолди режаларини баён қилиб, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

**(ЎзА).**

# ДАСТУРХОН ЁЗИЛАДИ

25 декабрь -- сайлов кунида Бўстонлиқ туманидаги сайловчилар учун байрам дастурхони ёзилади. Тумандаги Қўшқўрғон матлубот жамияти ходимлари 25 декабрь куни Учбо, Чахчам, Қорамозор, Жанатурмуш ва бошқа тоғ қишлоқларида жойлашган сайлов участкаларида миллий таомлар тайёрлаш, озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

-- Бошқарувимиз қарорига кўра, ана шу мақсад учун юз минг сўмлик товар ресурслари ажратилди, -- деди матлубот жамияти раиси Рустам Насруллаев. -- Эрта тонгданоқ сайловчиларга хизмат қилишни бошлаймиз.

**(ЎзА мухбири)**

# БОШҚАРУВДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

АСОСИЙ қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ қўрғонлар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланадилар. Маълумки Ўзбекистон Республикасининг олдинги Конституцияларига мувофиқ қўрғон, қишлоқ ва овулларда халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари сифатида фаолият олиб борар эдилар. Ҳозирда эса бу давлат органлари ўрнига ўзини-ўзи бошқариш органлари ташкил этилди.

**1949 йил 10 декабрида қабул қилинган инсон ҳуқуқларини Умумий Баённомаси ҳар бир инсон ўз мамлакатини бевосита ёки эркин сайловлар асосида сайланган вакиллар -- депутатлар орқали бошқариш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаб қўйган. Демак, Ўзбекистон Респубилкасининг шу соҳада қабул қилган қонунчилиги жаҳондаги бошқа мамлакатлар қонунчилигига ҳам мос келади.**

Инсон ҳуқуқлари Умумий Баённомасига тўла мос ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикасида 18 ёшга тўлган фуқароларга ўзлари яшаб турган ҳудудларни бевосита бошқариш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Респубилкасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида ўзини-ўзи бошқариш органлари тузишнинг асосий мақсадлари кўрсатилган, улар жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумат, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари икки ярим йил муддатга сайланиб, уни раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари бошқаради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 14-15 моддаларига мувофиқ ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз мулкларига ва молиявий ресурсларига эгадирлар.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

-- Ўзини-ўзи бошқариш органининг фаолият дастури ҳамда харажатлар сметасини, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режасини тасдиқлаш;

-- Ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

-- пул маблағлари сарфланиши устидан назорат қилишни ташкил этиш, зарур бўлганида тафтиш комиссиясини тузиш ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

-- Қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудларида кичик корхоналар, ширкатлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқиш; раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилаш; ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглаш ва ҳоказолар.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

Фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш орқали давлатни бошқаришда иштирок этиши демократия ривожланган давлатларда қабул қилинган қоидаларнинг бири бўлиб у ниҳоятда қулай услубдир.

Мустақил Ўзбекистонда 1993 йили биринчи маротаба фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтди, шу сайловлар асосида Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ягона тизими вужудга келтирилди ва у фаолият олиб бормоқда. Фикримизча, ҳозирги куннинг асосий вазифаси ана шу ўзини-ўзи бошқариш органларининг илғор иш тажрибасини ўрганиш, уларни аҳоли ўртасида кенг ёйиш лозим.

**А. ТЎЛАГАНОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти конституциявий ҳуқуқ кафедраси мудири.**

*ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУС*

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

***Европанинг марказида, Ғарбий Европа билан МДҲ ўртасидаги муҳим алоқа йўлида жойлашган Беларус Республикаси 10 миллиондан ортиқ нуфусга эга.***

Беларусда машинасозлик, электр ва радиоаппарат саноати яхши ривожланган. Шунингдек, мамлакат енгил саноат, қурилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам катта ютуқларга эришган.

Лекин Беларус иқтисоди жуда кўплаб соҳаларда узоқ вақт, айниқса, собиқ иттифоқ даврида Россия Федерацияси ва бошқа МДҲ га аъзо мамлакатлар билан деярли чамбарчас боғланиб келган эди. Шу боис, ҳозир беларус халқи ҳам иқтисодий ўтиш даври қийинчиликларини бошидан кечирмоқда. Бунга МДҲнинг иқтисодий механизми яхши ишга тушмаётгани ҳам сезиларли таъсир этмоқда. Беларус пойтахти Минск МДҲнинг асосий мувофиқлаштирувчи қўмиталари учрашуви жойига айлангани бежиз эмас, албатта.

1994 йилгача Беларус Республикаси мамлакатнинг бутунлай янги шароитдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини белгилашда кескин ўзгаришларга юз тутмади. Бу эса Беларус келажакда қайси ривожланиш йўлини танлайди, деган масала устидаги баҳсларни тезроқ ҳал этиш лозимлигини кўрсатди. Жорий йилда бўлиб ўтган демократик сайлов натижасида мамлакатнинг биринчи Президенти этиб Александр Лукашенко сайлангач, янги ўзгаришлар даври бошланди. Беларус раҳбари халқ фаровонлигини, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришдаги ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш учун бор куч ғайратини сарфламоқда. Мамлакат халқи, жамоатчилиги бугунги кунда ушбу ўзгаришларга умид назари билан қарамоқда.

Беларус билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар, савдо-иқтисодий алоқалар узоқ йиллар давомида таркиб топиб келган. Ҳар икки республика собиқ иттифоқ даврида иқтисодий жиҳатдан узвий боғланган, кўплаб ишлаб чиқариш тармоқлари бир-бирини тўлдириб турарди. Шу боис мустақилликка эришгач, Беларус биринчилардан бўлиб Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш истагини билдирди.

1991 йилнинг ноябрида, Беларус давлат делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга оид талай ҳужжатлар имзоланган эди. Жумладан, Ўзбекистон билан Беларус Республикалари ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома, шунингдек, икки республика ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ҳақидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекилди.

Шу тариқа мустақилликка эришган икки давлат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги асосда ривожлантириш учун пойдевор қўйилди. Бугунги кунда Беларус Ўзбекистоннинг пахтаси, нефт-газ ҳамда айрим енгил саноат маҳсулотларига эҳтиёж сезмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам Беларусдан автомобил саноати ускуналари, қора металл ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари олиб туради.

Давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишида ана шу мамлакатлар халқларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги, аввалдан мавжуд бўлган дўстона алоқалари муҳим аҳамият касб этиши яхши маълум. Ўзбек ва беларус халқлари ўртасидаги дўстлик риштавлари 30-йиллардаги қатағон даврида, бир қанча беларус зиёлилари Ўзбекистонга сургун қилиниб, ўзбеклар билан бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилган даврларда боғланган эди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида эса кўплаб беларус оилалари, фарзандлари Ўзбекистондан паноҳ топди. Ўзбек жангчиларининг муқаддас хоки Беларуснинг бепоён ўрмонларида абадий қолди. 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг беларус қурувчилари кўрсатган ёрдам халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги кўплаб миллий-маданий марказлар қатори Беларус миллий-маданий маркази ҳам қизғин фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказнинг очилиш маросимига Минскдан меҳмонлар, журналистлар ҳам ташриф буюриб, Ўзбекистонда яшовчи беларусларнинг ҳаёти билан яқиндан танишган эдилар.

Минглаб километрлар узоқда жойлашган, лекин бир-бири билан узвий боғланиб келган Ўзбекистон ва Беларус Республикалари бугун ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш учун барча имкониятларга эга. Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий сафари ана шу имкониятларни ишга солишда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз. Зеро, ушбу ташриф давомида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, маданий, иқтисодий соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштиришга оид бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Бу эса ўзбек ва беларус халқлари манфаатларига ҳам тўла мос келади ҳамда халқларимизнинг фаровон турмушини таъминлашда, ҳар томонлама алоқаларни равнақ топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Муҳаммад ШАРИФ.**
**(ЎзА).**

# Бўкада ҳосил байрами





*Ўтган шанба куни Бўкада «Ҳосил байрами» нишонланди. Эрталаб туман маданият бўлими олдидаги майдонга одамлар йиғилди. Туман ҳокими Б. Махситов туман аҳолисини байрам билан чин қалбдан табриклаб, келгуси йилда ҳам ишларига ривож тилади.*

*Майдонда савдо ярмаркалари, умумий овқатланиш жойлари ташкил қилинган эди. Бу ерда машҳур санъат усталари, хонанда ва созандаларнинг чиқишлари бўлди. Ғуломжон Ёқубов, Ёқуб Аҳмедов, Хайрулла Лутфуллаев, Ёдгор Саъдиев, Нуриддин Ҳайдаров, Маҳмуджон Азимовларнинг санъатидан ҳамма ҳурсанд бўлди. Айниқса қизиқчилардан кулгу устаси Мирза Холмедовнинг чиқиши йиғилганларнинг юзига табассум бағишлади. Шу куни туман марказида янги хусусий чойхонанинг очилиш маросими бўлди. «Гусорбулоқ» чойхонаси деб ном берилди.*

*Ҳосил байрами ниҳоятда хурсандчилик билан ўтди ва одамлар қалбида ёрқин из қолдирди.*

**Х. АВВАЛОВ.**

**Суратларда: Ҳосил байрамидан лавҳалар.**

*ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА*

# ЯХШИ ИНСОН ЯХШИ ОИЛАДА КАМОЛ ТОПАДИ

ЯҚИНДА вилоят прокуратурасида «Оилани мустаҳкамлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва болалар тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш» мавзусида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда вилоятдаги барча шаҳар ва туман прокурорлари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари масъул ходимлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармаси, ёшлар Иттифоқи, спорт ҳамда хотин-қизлар қўмиталари вакиллари иштирок этдилар. Унда мазкур масала юзасидан вилоят прокурори А. Маннонов маъруза қилди.

Маълумки, яхши инсон оилада камол топади. Шу боис оилани мустаҳкамлаш, уни ижтимоий жихатдан муҳофаза қилиш, болалар тарбиясида ота-оналар масъулиятини кучайтириш вазифаларини кўнгилдагидек адо этиш келажакда яхши фазилатга эга бўлган йигит ва қизларни балоғатга етказишда катта аҳамият касб этади. Бунда жиноятнинг олдини олишга қаратилган қонунларни оғишмай адо этиш, ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик, ижро устидан прокурорлик назоратларини кучайтириш муҳим вазифалар ҳисобланади. Оила, жамият, фарзанд тарбияси, маъмурий органлар билан муносабатлар сингари масалалар хусусида кенг фикр юритилди. Вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ёшлар ҳамда спорт қўмиталарининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳали етарли эмаслиги айтилди.

Кенгашда келгусида қилинадиган ишлар мажмуи белгилаб олинди.

*Ҳуқуқий мавзуда олимпиада*

# ЎСМИР ВА ҚОНУН

Ёшлар Иттифоқи Паркент туман қўмитаси қошида ташкил этилган «Ўсмир ва қонун» клуби аъзолари ёшлар орасида қонунчиликни тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарбия борасида катта ишларни олиб бораяпти. Мана икки йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан туман прокуратураси, туман халқ суди, ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида ҳуқуқий мавзуда олимпиада ташкил этмоқдалар. Куни кеча бўлиб ўтган тадбирда эса туманда янги ташкил топган мактаб-лицей ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Туман маданият уйида бўлиб ўтган олимпиада бу ерга тўпланган 150 нафар талаба учун ҳақиқий синов бўлди.

Тадбир бахс, мунозара шаклида ўтказилди. Иштирокчилар бахт Қомусимиз ҳақида жумбоқли саволлар билан ўзларининг фикрлаш доираларининг қай даражада эканлигини, қонунчилигимизга бўлган қизиқишларини намойиш этдилар. Бахсни туман прокурори Б. Иброгимов, туман халқ суди раиси А. Абдуқодиров, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Р. Арслонов ва туман ҳокимлиги вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб беришди.

Уларнинг якуний хулосаларига кўра ғолиб деб топилган иштирокчилар Ёшлар Иттифоқининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар ҳамда «Тошкент ҳақиқати», «Туркистон» ва «Паркент тонги» газеталарига бепул обуна бўлдилар.

**Ф. ДАДАМАТОВ,**
**Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Паркент туман қўмитаси котиби.**

# ЎРМОНЧИЛИК ИЛМИ МУДАРРИСИ

ИНСОН фарзанди борки қутлуғ бир довонга эришган пайтларда ўтмишига албатта назар ташлайди. Ортда қолган йиллар бесамар кетмаган, эл-юрт манфаатига, яхшиликка бахшида этилган бўлса, умр мазмунидан кўнгли таскин топиб, қалби ором олади.

Ғани ака эртанги кунги машғулотларга тайёргарлик кўриб бўлгач, иш столидан сал нарида турган юмшоқ ўриндиққа хотиржам жойлашдида газеталарни варақлай бошлади. Уларнинг бирида чоп этилган ўрмончиликни ривожлантиришга оид мавзудаги мақола эътиборини тортди. Ихтисослигига дахлдор бўлгани учун уни синчиклаб ўқиб чиқди. Ўзида қандайдир мамнунлик ҳис этди. «Муаллиф тўғри муаммони кўтарибди. Ҳали қатор вилоятларда сув чиқиши мумкин бўлган қир-адирликлар ён-бағирлари бўш ётибди. Бу жойларни теракзорларга айлантириш, ўрмонбоп дарахт кўчатлари билан тўлдириш борасида етарли ишлар қилинмаётир. Ваҳолангки...»

Ғани ака хаёллар оғушига чўмди. У пайтларда мактабнинг 7-синфида ўқир эди. Чуст туманининг Тепақўрғон қишлоғидаги барча болалар каби далаларда мол боқар, гоҳи-гоҳида отаси Қумзулла ака ортидан эргашиб турли дала юмушларини бажарар эди. Фарзандлари орасида Ғани ўқишга ихлос қўйганлигини, зеҳни ўткирлигини ўша кезлардаёқ ҳис этган ота бир куни пайкалга сув таращга кўмаклашаётган ўғлини ёнига чақирди.

-- Қани пича дам олайликчи, ўғлим. Кун ҳам исиб кетди. Кейин қайси эгатлар оёқлаганини, захлаганини билиб, бошқаларига оламиз.

Худди катта деҳқонлар каби шимининг почаларини қайириб олган, кўйлагининг анчагина жойига лой сачраган Ғани қуюқ соя ташлаб турган тут тагига отасига яқинроқ ўтирди.

Ана шунақа пайтларда ота ўғлининг ўқишлари, катта бўлса ким бўлишини суриштиришга тушарди.

-- Хўш, ўша гап ўша гапми,-- сўз бошлади ота.--

Қайси гапни айтяпсиз?

-- Мактабни битирсанг агроном бўламан, дегандинг. Фикринг ўзгармадими, деяпман ўғлим.

-- Ўзгармади, агроном бўламан.

-- Шунга яраша ўқиш ҳам бўляптими?

-- Бўляпти, ота. Биологиядан ҳам химиядан ҳам баҳоларим яхши.

-- Орзуйингга ет, болам. Фақат унутма, одам мақсадига эришиш учун астойдил ўқиши, интилиши керак.

Ота ўғлини ўз гапларига ишонтириш учун ўқиб олим бўлган, пойтахтда турли институтларда дарс бераётган, корхоналарда раҳбар бўлиб ишлаётган кишилар номини мисолга келтирди. Ота-бола ўртасидаги гурунг ҳамиша шундай илиқ ниятлар билан ниҳояланар, Ғани қалбида институтга кириб ўқиш орзуси янгидан алангаланарди.

Бу ният 1953 йилнинг кузида ушалди. Тошкент Қишлоқ хўжалик институти -- ҳозирги Аграр дорилфунун чустлик қишлоқ йигитчасини ўз бағрига олди. Ниҳолнинг ўсиши аввало ўтқазилган заминга, кейин парваришга боғлиқ бўлганидек, талабанинг илм олиши ҳам у паноҳ топган илмгоҳга, ўқитувчиларга боғлиқ бўлади. Ғани Қумзуллаев институтда пухта ўқиди. У ҳар бир домланинг маърузасини завқ билан тинглар, тобора илмга меҳри ортиб борар эди. 3-курсдалигидан бошлаб шамол эррозиясининг олдини олиш билан боғлиқ мавзулар талаба қалбига чўғ солди. Шу йўналишларда курс ишларини муваффақиятли бажариб, илмий анжуманларда иштирок этган Ғанини устозлар тез пайқашди. Ундаги қобилиятнинг ривож топишига ёрдам беришди. Институтни битиргач эса, ёш мутахассисга Ўрта Осиё Ўрмон хўжалик илмий текшириш институтига йўлланма берилди. Аввал кичик илмий ходим, кейинчалик катта илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган Ғ. Қумзуллаев орадан бир-икки йил ўтгач, мураббийлар эътиборини қозонди. Бу вақтда Сурхон-Шеробод, Қарши, Жиззах, Самарқанд чўллари, Тошкент вилоятининг чекка туманларидаги қақроқ ерларни ўзлаштириш, бу жойларда пахта, ғалла, сабзавот экинлари етиштириш, ҳосилдорликни йилма-йил ошириб бориш ҳукумат томонидан қатъий вазифа қилиб белгиланган эди. Бунинг учун далаларни шамол эррозиясидан муҳофаза этиш ҳам долзарб муаммо сифатида ҳал этилиши лозим бўларди. Ана шу режаларни рўёбга чиқариш жараёнида ёш ўрмоншунос Самарқанд, Қашқадарё чўлларида капа тикиб тупроқ шароитини ўрганди, таниқли олимлар билан ҳамкорликда иҳота дарахтзорлари барпо этишда қатнашди. Бора-бора чўллар ўрнида бепоён пахтазорлар, ғаллазорлар бунёд этилди.

Йиллар мобайнида олиб борилган ишларни Ғ Қумзуллаев назарий асослаб, «Қарши чўлларининг янги ўзлаштирилаётган лалми ерларида иҳота дарахтзорлари барпо этиш» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Назарий билими бой, амалиёт борасида тажрибали олимни 1976 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўрмон хўжалик факультети мелиорация кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига таклиф этишди. Шундан буён Ғани ака ҳозиргача олий таълим даргоҳи мударриси. Институтда ўтган йиллар ҳам домлани камолот сари етаклади. Катта ўқитувчи, доцент, декан муовини, декан лавозимларида ишлаб, ҳурмат эътибор қозонди. Бу орада ўз соҳасини пухта эгаллаган олим ўрмон мелиорацияси ва нурашларнинг олдини олиш йўналиши бўйича дарс бериб неча ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Айни пайтда домла ҳамон ўзи барпо этган ихотазорлар, ўрмонзорлар жойлашган вилоятлар билан мустаҳкам ҳамкорликни давом эттирмоқда. Бу соҳаларнинг равнақ топишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Ғ. Қумзуллаев она юртимиз тупроғида яшил бойликлар яратиш билан биргаликда, оилада ҳам умр йўлдоши Дилбархон билан ишчан тадбиркор, меҳнатсевар икки ўғил, икки қизни вояга етказди. Хулкарой, Ботиржон, Бобиржон, Лобархонлар жамиятимиздан ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаб оталари каби эл-юрт манфаати йўлида ўз бурчларини адо этмоқдалар.

Умр оқар дарё экан. Шу кунларда аграр дорилфунун жамоаси, Ғани ака истиқомат қилаётган, «Олтинтепа» маҳалла аҳли домланинг оила аъзолари, қариндош уруғлари илм-фан соҳасида фидойилик кўрсатган, билимдон мударриснинг 60 ёшга тўлиши билан қутламоқдалар.

Ғани ака энди камолот ёшида. У ҳали куч-ғайратга тўла, бой тажрибага эга. Ҳамон изланишда. Қўлига ўрмончилик мавзуси билан боғлиқ газетами ёки журналми тушиб қолса, албатта ўқиб чиқади. Ўзи ҳам бундай илмий мақолаларни кўплаб турли нашрларда чоп эттирди. Илм йўлида, толибларни тарбиялаш йўлида сидқидилдан ишлаётган олимни биз ҳам муборакбод этамиз.

**С. ҲАСАНОВ.**

*Фанимиз заҳматкашлари*

# САҲОВАТПЕШАЛАР

**Вилоятда Қизил Ярим Ой жамияти жамғармасига маблағ тўплаш ўн кунлиги давом этмоқда**

БОЗОР иқтисодиётининг хозирги шароитида ногиронлар, етим-есирлар, ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий қўллаб-қувватлашга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда. Президентимиз ва республика хукуматининг шу йўналишдаги қатор фармонлари ва қарорларини изчил амалга оширишга интилаётган вилоят Қизил Ярим Ой жамияти бу борада турли тадбирлардан оқилона фойдаланмоқда. Жамият раҳбарлиги ўз фаолиятида шаклланган анъанани давом эттириб, бу йил ҳам жамғармага маблағ йиғиш ўн кунлигини эълон қилди. Ўтган шанба куни Юқоричирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалигининг маданият саройида жамғармага маблағ йиғиш тадбири бошланди. Эрта тонгдан бу ерга ўз ҳиссаларини қўшиш ниятида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан вакиллар кела бошладилар.

Йиғилганлар ҳузурида вилоят ҳокимининг муовини Ҳ. Ҳамидов сўзлар экан, Қизил Ярим ой жамиятига кўрсатилаётган бу саховат ногиронлар, боқувчиси йўқ қариялар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, қўллаб-қувватлашга катта мадад эканлигини таъкидлади. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан вилоят Қизил Ярим Ой жамияти раисаси Ф. Латипова савоб ишга қўл ураётган вилоятдаги бошқарма, корхона, ташкилот раҳбарларига, жамоа, давлат хўжаликлари раҳбарларига ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Шуни куни жамғармага вилоят халқ таълими бошқармаси 120 минг сўм, Янгиобод шаҳри 200 минг, Чирчиқ шаҳри 100 минг, Қуйичирчиқ тумани 80 минг, Бекобод шаҳри ва Бўстонлиқ, Қибрай, Паркент, Юқоричирчиқ туманлари 50 мингдан, Янгийўл, Охангарон шаҳарлари 40 минг ва Ангрен шаҳри 30 минг сўм микдоридаги маблағлари билан ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилдилар.

Тадбирда иштирок этган халқ артисти Ортиқ Отажонов, «Политотдел» жамоа хўжалигининг «Жемчужина» корейс халқ дастаси, вилоят маданият бошқармаси қошида ташкил этилгар «Мовий нур», Зангиота туманининг «Ҳосил», Қибрай туманининг «Шалола» дасталари хонандалари ўз куй ва қўшиқлари билан иштирокчиларни хушнуд этдилар.

**Ш. ОБИДОВА.**

# "СОВҒА"

## ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ХИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

**УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ**

***"СОВҒА"*** **лотереяси билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.**



**БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ! ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

***"СОВҒА"*** **ЛОТЕРЕЯСИ — ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!**

*"СОВҒА" лотереясини сотиб олсангиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.*

## ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ!

## ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

**Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.**

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

МАРКАЗИЙ БАНК

ЖАМҒАРМА БАНКИ

"ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-1279. 18900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.30. 1 2 3 4 5 6